

Андижон собик Хўканд хонлигининг муҳим шаҳарларидан бири. Хинд-мўгул давлати олийсининг асосчиси, қаҳрамон ва адиб султон Бобурнинг ватани ва ҳозирда Фарғона ўбластининг уезд марказидир. Усмонлича айтганда, қойим мақомлик макон. Ушбу шаҳардан олган ажойиб бир мактубнинг босилиши диққатга лойик, деб билдик. Соҳиби мактуб биздан ҳам гўзалроқ сўйлаганидан ёзганларини айнан нақл қиламиз.

Ёзади:

«Мухтарам устозимиз Исмоилбек жаноблари! Андижоннинг баъзи буюклари менга айтадилар:

- «Сен Шалола, Турк Юрду, Шаҳбал, Таржимон, Вакт ва Иқбол ўқийсан. Нима учун «Мирзо Бедил» ва «Хўжа Хофиз»ларни ўқимайсан?»

Бу саволга жавоб бўлгудек бир нарсга айта олмадим. Агар жавоби бўлса «Таржимон»да босилишини ўтиниб сўрайман. Агар жавоби бўлмаса, «бу янги адабиётни» сувга, оташга отиб, вақтим борица «Мирзо Бедил» ва «Хўжа Хофиз» мутолаасидан бош қўтармайман.

Сулаймонзода Абдулхамид Чўлпон

Эй, менинг шўрпешона шогирдим, сенга ва сенга ўхшаганларга дарҳол жавоб берамиз... Илтимос қиламан, ҳамон адабиётни ўтда ёндирманг, сувга ботирманг! Мени «мухтарам устоз» деманг! Ўттиз йил дарс бериб, «адабиёт»ни ёндирилиши тўғрисида эшитган бир «устоз» мухтарам бўлмайди, ҳам устоз дейилишига ҳаққи йўқ. У, у бир бадбахт муаллимдир!

«Мирзо Бедил» Хиндистоннинг Шайх Саъдийси. Ёзган тамсилларида берадиган насиҳатлари, дарҳақиқат гўзал ва фойдали нарсалар. Хўжа Хофиз эса маълум... Уларни бир, икки, беш марта ўқинг!

Уларда янги ва ёки эски адабиётга қарши айтилган бир сатр қўрсангиз, менга хабарини беринг... Улар инсон қаламидан тўқилмиш улуг девонлар. Лоқин улар «Қуръон» эмас! Қуръони азимуш-шаъннинг қирк жилддан иборат ўн бир турли тафсири борқи, улар «Қуръон адабиёти» дейилади.

Қардошим, «адабиёт» ўтда ёқиладиган нарсалардан эмас, ружуъ ила тавба қилинг! Мирзо Бедил, Шайх Саъдий, Хўжа Хофиз ўқитилади, ўқитилиши қерак. Леқин, уларда бўлмаган нарсаларни ўқимок ва ўрганмок қерак эмасми?

Улар тўрт-беш юз йил муқаддам ёзилган нарсалар: ҳозирги асрга доир бирор сўз йўқ. Бу қунни, бу асрни билишни хоҳласангиз на Шайх Саъдий раҳбарлик қилади, на Мирзо Бедил қалолат беради. Қазонамизнинг тижорати, рақобати, идораси ва сиёсатидан, эҳтиёжи ва заруратидан, уруши ва талашидан хабар ва маълумот Мирзо Бедил ёки Хўжа Хофизда йўқ.

Буларни билиш керак бўлса икболларни, таржимонларни, вақтларни, турк юрдуларни ва булардан бошқаларини ўқимок керак. Агар, керак бўлмаса, осмонга қараб, юлдуз-ларга, сайёраларга бокканингизча тураверинг! Лекин, «адабиётни ёндирманг - айб... Адабиёт сизга: - Жохил бўлинг, демас.

- Сафил бўлинг, демас.

- Оламга қулгу бўлинг, демас.

- Дунёсевар киши бўлинг, демас.

- Бошқа инсонларга нисбатан хайвон қолинг, демас. Адабиёт ўтда ёнмас, сувга ботмас. Лекин, ёндирганларни ёндиради, ботирганларни ботиради, сувга эмас, лойга, балчикка ботиради!

Ботганимиз, ётганимиз ози бўлдимики, яна хохлайсиз?

Мирзо Бедил, Хофиз Шерозий, Шайх Саъдий, «Гулистон» ёки «Анварул-ошикийн» ҳўб улуг номлар, ҳўб марғуб асарлар. Улар ўқилиши керак. Лекин, улар етарли эмас.

Замонамиз бошқа замона, гурунгларибиз бошқа гурунглар. Асрнинг, замоннинг қамолот ва ирфони эски адабиётда эмас, янги адабиётда бўлади. Аср, замоннинг ҳол ва садоларига қулоқ беринг. Шўхратли ислон олами бу қун бир «дорул-ожизийн, макони гофилийн» ҳолига келган... Бу доиранинг бир маҳалласи Андижон, иккинчи маҳалласи Богчасарой харобаларидир.

Бу жавобни хар кимга айтишинг мумкин. Махфий эмас.

Исмоил Гаспринский, «Таржимон», 1913 йил 27 ноябрь